

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

02

(317)

YURIDIK GAZETA

Yanvar

D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	31
Y.	4	11	18	25	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Давлат — лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидур.

Амир ТЕМУР



А.ТУРАЕВ суратлари

MUQADDAS BURCH

Мустақилликнинг илк давридаёқ Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетининг кафолати — Куролли кучларни ташкил этиш ва ривожлантиришни ёш давлатнинг устувор вазифалари қаторига киритди. Уша қийин даврда Президентимизнинг узокни кўзлаб юритган сиёсати тўғри эканлигини ва бу аслида ҳозирги кундаги тинчлик-барқарорликнинг гарови бўлганлигини вақт кўрсатди.



Шухрат УЗАКОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори, адлия полковниги

МИЛЛИЙ АРМИЯ — ФУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

МАВЖУД қийинчиликларга қарамай, армиянинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ тадбирлар қатъий ҳуқуқий асосда олиб борилди. Шу билан боғлиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўтган даврда ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган ҳуқуқий асос ва кафолатлар миллий армиямизнинг ҳозирги босқичга кўтарилишида муҳим ўрин эгаллайди.

Куролли Кучларнинг қонуний асосларда фаолият юритишини таъминлаш давлат мудофааси учун масъул бўлган ҳарбий кўшинлар, тузилма ва кўмондонликлар билан бир қаторда ҳарбий прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифадир.

1991 йилнинг 31 августидан юртимиз тарихида янги давр бошланди. Шу куни Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мамлакат сиёсий, иқтисодий жиҳатдан ўз ҳуқуқларини қонунан мустаҳкамлаб, халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди.

Миллий мустақиллик асосларини ҳимоя қилишга мустақилликнинг бош масалаларидан бири сифатида қаралди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнотда: «давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети ҳамда ички кўшинлар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади», — деб кўрсатилган эди. Ушбу ҳолат «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва ноҳарбий (мукобил) хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга», — деб қонуний мустаҳкамланди. Қайд қилинган ҳужжатлар Куролли кучларни тузишда дастлабки ҳуқуқий асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ISTIQLOL IMKONIYATLARI

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Мустақиллик неъматлари. Аввало, ушбу тушунчанинг моҳияти ҳақида сўз юритар эканмииз, бевосита истар-истамас ўтмиш билан таккослаш ҳаёлимизни чулғайди. Келинг, фикримизни иқтисодий таҳлил билан асослашга ҳаракат қилайлик. Олдийгина водопровод қувури тортиш учун Москвадан рухсат олиш «план»ли ўтмиш иқтисодиётининг асосини ташкил этарди. Империя иттифок республикалари учун бош меъмор вазифасини ўтарди, гўё,

Ана шундай шароитда республикамиз иқтисодини кўтариш, қўшма корхоналар барпо этиш халқимиз учун шунчаки ҳаво-ҳавас саналарди. Ўзбекистоннинг бевосита ўз маблағи ҳисобига қурилиши бошланган ўша вақтдаги Тошкент метроси лойиҳасини тасдиқлаш қанчалар машаққатли бўлганлигини давлат органларида ишлаганлар яхши хотирлайди.

Бугун эса улкан имкониятларга эга мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини белгилаш халқимиз хоҳиш иродасидир. Хўш, истиқлол буюк давлатчилик қудратига эга Ўзбекистонимиз учун нима берди?

Собиқ иттифок республикалари раҳбарлари ҳали мустақил давлатлари иқтисодиётини қандай йўлга қўйиш ҳақида бош қотираётган бир пайтда Ўзбекистонда қатта бир «УзДЭУавто» қўшма корхонасининг иш бошлаганлиги, халқаро кузатувчилар таъбири билан айтганда «мўъжиза» бўлди. 1996 йилда ишга тушган Асака заводининг геополитик жиҳатдан жойлашуви ҳам аҳоли зич Фарғона водийси учун бир қатор қулайликлар яратди. Бугунги кунда мазкур корхонада 5000дан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар самарали меҳнат қилишяпти.

(Давоми 4-бетда).

Моҳият

Ҳар бир нарсада ҳали ҳеч ким кўрмаган ва ҳеч ким унинг устида ўйламаган нарсани кўришга интилоқ керак.

Георг ЛИХТЕНБЕРГ,
Немис мутфаккири

ЯНА БИР ИМКОН

Тошкент шаҳри буйича 2003 йил 30 декабрга қадар 1495 нафар шахсга амнистия қўлланилди, шундан 1332 нафари жазони ўташдан озод этилди. Аини кунларда ҳам амнистия қўлланиши муносабати билан билиб-билмай жиноят қўчасига кириб қолган ўнлаб юртдошларимиз оиласи, ёру биродарлари ёнига қайтишмоқда.

4-бет

СОВУГАН ОШ...

ЁКИ «Coca-Cola» ГА КЕТИБ...

— Ошни сузгунингизча етиб келаман. Бу эрининг охирги сўзи бўлишини Сожида қаёқдан билсин? Соат кечки етти, саккиз бўлди ҳамки, ундан дарақ бўлмади. «Кока-кола» ичмай мен ўлай! Нафсимга ўт тушин-а!»

4-бет

ЖАНОЗАСИЗ КЎМИЛГАН ОТА

Ҳар жойда, ҳар қачон жадл, жаҳолат фожеа ила интиҳо топгай. Китоб тумани прокуратураси терговчиси Шухрат Алму-родов айтиб берган дахшатли воқеа бунинг аниқ, рад қилиб бўл-мас далилидир.

8-бет

ВАТАН ҲИМОЯСИ

(Бошланиш 1-бета).

Истиқлол тарихи миллий армиянинг шаклланиши, мустақилликни мустаҳкамлаш эса Қуролли қучларнинг замон талаблари асосида ислоҳ қилиш жараёни билан узвий боғлиқдир.

«Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»-ги Қонунни бажариш юзасидан мамлакат Президентини

қисмлари, 12 ноябрдан ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар, 13 ноябрдан эса кимёвий ҳарбий қисмлар давлатимиз тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди.

Қисқа даврда ўтказилган бу тadbирлар давлатимизнинг халқроҳ ҳуқуқ субъекти сифатида ўз армиясини ташкил этиш ҳуқуқини изчил

ҳар бир фуқаросининг бурчидир деб белгиланди.

Ўзбекистонда ҳарбий хизмат мустақиллик йилларидагина миллий-маънавий моҳият касб этиши билан бирга, унга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгарди. Авваллари юртдошларимиз асосан қурилиш батальонларида хизматни ўтаган бўлса, эндиликда йи-

мизни ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасига таяниб босқичма-босқич ислоҳ қилиш жараёнида Қуролли қучлар фаолияти, ҳарбий ва муқобил хизматни ташкил этиш ҳамда ўташ тартибини белгилаш билан боғлиқ қонун ва меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди.

2001 йил 11 май куни иккинчи

хизмат, контракт бўйича ҳарбий хизмат, Қуролли қучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати турлари жорий этилди.


Ҳарбий хизмат муддати хизматни оддий аскар ва сержант лавозимида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун — тўққиз ой), ҳарбий хизматни қақуриув бўйича офицер лавозимида ўтаётган офицерлар учун тўққиз ой қилиб белгиланди.

Қонунда ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбарлик қақуриув резервидаги ҳарбий хизмат тушунчасини белгилувчи янги меъёр киритилди.

Сафарбарлик қақуриув резервидаги хизмат ҳудудий тамойил асосида бир ойлик йигин шаклида ташкил этилади ва Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамга пул бадаллари тўлашни кўзда тутди. Пул бадаллари энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорда, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган алоҳида низоом билан белгиланадиган тартибда тўланади.

Қўрсатилган шахслар сафарбарлик қақуриув резервга олинади ва йигирма етти ёшга етгунча ҳар йили йигинларга жалб этилиши, факулдада вазиет ёки мамлакатга қарши ҳарбий тажовуз юзатга келган тақдирда ҳарбий хизматга қақурилиши мумкин. Сафарбарлик қақуриув резервида хизматни ўтаган фуқаролар йигирма етти ёшга тўлгач, Қуролли қучлар резерви таркибига киритилади.

Сафарбарлик қақуриув резервида хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Вазирлар Маҳкамаси



МИЛЛИЙ АРМИЯ —

ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ

нинг 1991 йил 6 сентябрдаги фармонида асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди, унинг штат тизими ва ваколатлари белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, таркибий тuzилиши ва низоомлари тасдиқланди. Туркистон ҳарбий округининг бошқарув органлари негизда Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тuzилди. Вазирлик зиммасига умумий сафарбарлик, Миллий гвардияни тuzиш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, ҳарбийга қақуриув ва муқобил хизматни ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва такомиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш каби вазифалар юклатилди.

Иттифок парокандалликка юз тутгани натижасида вужудга келган мураккаб бир вазиятда суверен давлат қурилишининг дастлабки босқичида Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши том маънодаги тарихий воқеа бўлди. Бу Ўзбекистон ҳудудида армия барбод бўлишининг олдини олди ва бошқа давлатларда хизмат қилаётган мамлакатимиз фуқаролари бўлмиш ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлади.

Ўзбекистон Олий Кенгаши 1992 йилнинг 14 январида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга биноан юртимизда жойлашган собиқ Иттифок Қуролли қучларининг барча ҳарбий қисм, қўшинла ва ҳарбий ўқув юртлири, бошқа муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон тасарруфига олиниб, мамлакатимизнинг Қуролли қучларига тамал тоши қўйилди.

Юртимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида 1992 йил 24 мартда Президент фармони билан Миллий хавфсизлик хизмати қoшида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди. 1992 йил 18 майдан ҳаво десант қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот

амалга оширганидан далолат беради. Шу таразда мамлакат Қуролли қучларини барпо этишнинг ташкилий даври яқунланди.

Қуролли қучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда

гитларимиз қудратли ҳарбий машиналарни, ҳарбий самолётларни моҳирона бошқариш, мураккаб қурол-яроғдан фойдаланишга қодир эканликларини намоён этмоқда.

Қуролли қучларимизда ахлоқ нормалари ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда ҳарбий хизматни ташкил этиш ва ўташ йўли-йўриқларини изга солувчи, шунингдек, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар ҳаракатлари асосини белгилаб берувчи расмий меъёрий ҳужжат ҳарбий низоомлардир.

Мамлакат Президентининг Фармонида биноан 1996 йил 9 октябрда Ўзбекистон Қуролли қучларининг Ички хизмат низоми, Интизом низоми, Гарнизон ва қоровулик хизмати низоми тасдиқланди. 1996 йил 14 октябрда эса Мудофаа вазирининг буйруғи билан Қуролли қучларнинг Саф низоми амалга киритилди. Ҳар бир низоом ҳарбий ҳаётнинг маълум бир йўналишини тартибга солса-да, яхлит таразда умумҳарбий низоомлар деб юретилади.

Мамлакат мудофаа қудрати, унинг миллий хавфсизлигини таъминлашга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий ва ҳарбий характердаги тадбирлар орқали ағона давлат сиёсатини юргизиш билан аришилади. Ушбу тадбирларни ўзида жамлаган ҳужжат 1995 йил 30 августда Олий Мажлис то-

да Республика Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, Мудофаа вазирлиги, Қуролли қучларнинг бирлашган штаби, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ваколатлари белгиланди.

Қонунда уруш даври, уруш ҳолати, сафарбарлик, ҳудудий мудофаа ва қуролли мижоро руй берган тақдирда мудофаа ва хавфсизлик масалаларини ҳал этиш тартиби ва қондаларининг ҳуқуқий асослари баён этилди.

Ўтган даврдаги амалиёт ҳарбий ва муқобил хизматни ташкил этишга янгича ёндашувни тақозо этарди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «қақуриув ва ҳарбий хизматни ўташ тизимини ўзгартириш заруратини тараққий топган давлатларнинг тажрибаси ҳам қўрсатиб турибди. Бу тажрибани диққат билан ўрганиб чиқиш, унинг энг яхши, илғор ва ўзимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлув эди».

2002 йил 12 декабрда иккинчи қақуриув Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинди.

Ҳарбий хизмат Ўзбекистон фуқаролари томонидан Қуролли қучларда умумий ҳарбий мажбуриятнинг бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир. Қонунга биноан ҳарбий хизматнинг муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик қақуриув резервидаги ҳарбий

1992 йил 14 январда мамлакат ҳудудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонунига биноан 14 январь юртимизда «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди.

Қуролли қучлар фаолияти ҳуқуқий асосларини яратиш ва қўллашни такомиллаштириш вазифасини амалга ошира бориб 1992 йил 3 июлда Олий Кенгашнинг ўн иккинчи қақуриув ўнинчи сессиясида «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Ҳарбий қасамднинг янги матни ва қабул қилиш тартиби, шунингдек, Республика Президентининг Мудофаа ишлари вазирлигини Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисидаги фармони тасдиқланди.

Ўзбекистон Қуролли қучлари ҳуқуқий асосини яратилганда биринчи босқичнинг яқунланиши 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида тўғри келди. Сессияда давлатнинг Асосий қонунини — Конституцияси қабул қилинди.

Конституциянинг 93-моддасига мувофиқ президент республика Қуролли қучларининг Олий Бош қўмондонди ҳисобланади.

Конституциянинг 26-боби мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланди. Асосий қонуннинг 52-моддасига биноан Ўзбекистонни ҳимоя қилиш мамлакат



монидан қабул қилинган ҳарбий доктрина ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринаси давлат аҳамиятига молик йирик ҳужжатдир. У ҳозирги ҳарбий-сиёсий аҳволдан келиб чиқиб, бош ҳарбий-стратегик вазифаларни, ҳарбий қурилиш тамойиллари ва Қуролли қучларни қўллаш шартлари, армия, халқ ҳамда мамлакатни мудофаага тайёрлаш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Ҳарбий доктрина учта асосий бўлимдан иборат:

1. Умумий қондалар.
2. Доктринанинг сиёсий жиҳатлари.
3. Доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатлари.

Ўтган давр мобайнида армия-

тасдиқлайдиган Ўзбекистон фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низоомга биноан белгиланди.

2003 йил 25 апрелда иккинчи қақуриув Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлар резервидаги хизмат тўғрисида»-ги Қонун қабул қилинди.

Ҳарбий хизматни тартибга соладиган янги қонунчилик миллий армия ва мамлакат мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда улкан аҳамиятга эга. Ҳарбий қурилиш соҳасида амалга оширилаётган принципал ўзгаришлар билан бирга Қуролли қучларимизда ҳукм сураётган соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат ўтган қисқа давр ичида ҳарбий хизмат нуфузи янада кўтарилшига туртки бўлди.

Ҳарбий қурилиш йўналишида ислохотларни амалга ошириш нафақат соҳа учун мутасадди идоралар, масъул мансабдорлар ва ҳарбийларнинг иши, балки республика Президенти Ислам Каримов иккинчи қақуриув Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида таъкидлаганидек, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсоннинг бурчига, виждоний ишига, ғурур-ифтихорига айланиши лозим.

Пировардида, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси раҳбарияти номидан барча ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини, ишчилар ва хизматчиларни, Қуролли қучлар фахрийларини 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан табриқлайман ва уларга мустаҳкам сийҳат-саломатлик, Ватанимиз мудофаа қудратини янада юксалтириш борасидаги маъсумиятчи хизматларида муваффақиятлар тилайман.

ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Президентимизнинг 1999 йил 30 мартдаги фармони асосан Ўзбекистон Қуроли кучлари ҳарбий прокуратураси базасида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ҳамда тўртта ҳарбий округ прокуратуралари ташкил этилди.

1977 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Нукус гарнизони ҳарбий прокуратураси юқоридаги фармонга мувофиқ Ўзбекистон Бош прокурорининг 1999 йил 14 апрел кунги буйруғига асосан Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ прокуратурасига айлантирилди.

Бугунги кунда мазкур ҳарбий округ прокуратураси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар, муассаса ва ташкилотлар, ҳарбийлаштирилган тузилмаларда қонунларнинг бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз мудофаа қудрати ва хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари конституция ҳамда унга мувофиқ қабул қилинган қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳарбий прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунларни тарғиб қилиш деб белгиланган. Бунда биз жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларининг кўмағига таянамиз ҳамда ҳужумчи муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиламиз. Жумладан, ҳудудимиздаги ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунларни тушунтириш, ҳуқуқ тарғиботи бўйича маъруза ва суҳбатлар ўтказиб келимоқда. Ходимларимиз бир неча бор маҳалли ва марказий нашрларда мақола эълон қилишди, республика радиосида чиқишди.

Прокуратура офицерларининг фаолияти ҳудудий-тармоқ принципи асосида ташкил қилинган. Яъни, ҳар бир офицерга маълум бир фаолият йўналиши топширилиши билан бирга, ҳудуддаги ҳарбий қисм ва муассасалар ҳам бириктириб қўйилган. Белгиланган режа асосида офицерларимиз ҳарбий қисмларга бориб қонун ҳақида суҳбат ташкил қилишди. Ҳарбий қисмдаги муҳитни ўрганишлар, ҳуқуқбузарликка олиб келиши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни бартаф қилиш юзасидан

Давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми — унинг Қуроли кучларидир. Бизнинг армиямиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг стратегик мавқеи ва ҳудудининг географик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган боқсичига қуруқлик ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Ислом КАРИМОВ



ОСОЙИШТАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

қўмондонлик номига тегишли прокурор тасир-чоралари ҳужжатларини тайёрлайди.

Ҳарбий прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида Қуроли Кучлар ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзоларининг қонун билан қўриқланувчи манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш деб белгиланган боис ҳарбий хизматчилар ва фуқаролардан келиб тушаётган ариза ҳамда шикоятлар билан ишлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳарбий хизматчилар ва фуқаролардан келиб тушаётган ариза ҳам шикоятлар «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»-ги Қонуни талабларига мувофиқ қўриб чиқилиб, ҳал қилинмоқда. 2003 йил мобайнида прокуратураимизга келиб тушган ариза ва шикоятларнинг ҳар бири «чур ўрганилиб, зарур ҳолларда ариза муаллифлари иштирокида жойларга чиқилиб ҳал қилинди. Шунинг таъкидлаб ўтиш

жоизки, ҳал қилинган ариза ва шикоятларнинг асосий қисми ҳарбий хизматчиларнинг қонун билан қўриқланувчи манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга қонун-

роҳ қилинишининг олди олиб берилди. Бу фаолиятнинг самараси сифатида айтиб ўтиш лозимки, 2003 йилда округимиз ҳудудида муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари томонидан ҳарбий қисми Ўзбошимчилик билан ташлаб кетиш, бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасида низома оид муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар содир этил-

шига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Чегара қўшинларида қонунларга риоя қилиш устидан назоратга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар ўн кунда бир чегара постанда чегара хизматини ўташни тартибга солуви қонунлар ижросини текшириб бориш юзасидан график ва мазкур текширувларни амалга ошириб борувчи махсус гуруҳ тузилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йилнинг 12 декабрь куни янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга асосан ҳарбий хизматни ўташнинг янги тури — сарфарбарлик қақруви резервидаги

ларни тушунтириш билан боғлиқ. Фуқаролардан фарзандларини Қуроли кучлар сафига юборишга ёрдам сўраб берилётган аризаларнинг ошайтганлиги халқ орасида армиямизнинг ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида ҳарбий прокуратура органларининг обрўси кучайганлигидан далолат беради.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларга қарши курашда прокуратуранинг умумий назорат фаолияти айниқса муҳим аҳамият касб этади. Чунки, касаликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ. Жиноятчиликка қарши курашда ҳам содир этилган жиноятларни тергов қилиб, унинг оқибатлари билан эмас, балки уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартаф қилиш муҳимроқдир. Умумий назорат тартибда ҳудудимиздаги ҳарбий қисм ва муассасаларда текширишлар ўтказилади. Текширишлар натижаларига кўра, юқори турувчи қўмон-

мади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонликлари ва ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар айниқса, ўз самарасини бермоқда. Округ ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш фаолиятининг самарасини ошириш мақсадида ҳарбий прокуратура ташаббуси билан округ мувофиқлаштирувчи кенгаши тузилган бўлиб, кенгашнинг йиғилишларида ҳар чорак охирида ўтказилиб, бу мажлисларда юқорида кўрсатилган фаолият юзасидан келиб чиқаётган долзарб масалалар қўрилиб, ҳарбий қисмлар командирига тегишли тавсияномалар бериб борилиши йўлга қўйилган.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида округ ҳудудидаги ҳарбий қисмларда жиноятчилик 2003 йилда 2002 йилга нисбатан қарийб икки баробар камайишига эришилди. Бу ҳолат албатта ҳарбий қисмларнинг жанговар қобилияти оши-

хизмат киритилди ҳамда у ҳозирда амалга жорий этилган.

Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ ҳудудида ҳарбий хизматнинг мазкур турига қақрилган 250 та шахс сафарбарлик-қақрув хизмати ҳарбий йиғинини ўтамоқда. Ушбу қонун ижросини доимий равишда текшириб, таъминлаб бориш юзасидан округ ҳарбий прокуратураси томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуроли кучларимизда хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари кучи билан табриқлайман, уларга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз ҳимояси йўлидаги шарафли бурчларини бажаришларида муваффақиятлар тилайман.

У.ИСМАИЛОВ,
Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ
ҳарбий прокурори, адлия
подполковниги

Ватанпарварлик ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдангина иборат эмас. Бу жуда катта ҳис. Бу — Ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида ақотиш демакдир. Ёшларимизнинг доворак, мард ва кучли бўлишга интилаётганлиги, фидокорлик туйғуларини ҳис этиб ўсаётгани бизни ич-ичимиздан қувонтиради.

ассосида ташкил этилаётган «Прокурорлик кунлари»дан умумий фойдаланиб, аскарлар ўртасида бурч, масъулият, миллий гуруҳ, истиқлол мафқураси мавзуларида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишни йўлга қўйганмиз.

Бундан бир неча йил олдин президентимиз: «Хали кўрасиз, армияга бориш, Ўзбекистон Қуроли кучларида хизмат қилиш йиғиларимизнинг ороҳусига айланади.

Ёшлар аскар офицер бўлиш учун олдиндан ҳаракат қиладилар, тайёргарлик кўрадилар. Жисмонан соғлом, маънан етук, аскарликка лойиқ бўлиш учун ўзларини ўзлари тарбиялайдилар» деганида минг бора ҳақ экан. Бугун туман ва шаҳар мудофаа бўлиmlарига келиб ҳарбий бўлиш, профессионал армиямиз сафларини тўлдириш истагини билдираётган ёшлар тобора кўпаймоқда.

Кундан кунга замонaviллашib бораётган армиямиз, забардаст ўғлонларимиз бор экан, ёт назарлар биздан ҳамиша йироқда бўлади.

Бахтиёр МИРМАХМУДОВ,
Самарқанд ҳарбий прокурори,
адлия майори

ВАТАНГА ТУТАШ КЎНГИЛАР

Олдимизда турган асосий вазифалардан бири ёш авлод онгига Ватан муқаддаслиги, юртга муносиб фарзанд бўлиш, уни ҳимоя қилиш ва асраб-авайлаш каби шарафли бурчларни тобора сингдира боришдан иборатдир. Бу борада Ватан ва халқ тушунчаларининг муштарак мазмун касб этишини намойён қилиши таъсирчан тадбирлар самара бермоқда.

Яқинда Республика Бош прокуратурасининг ўқув маркази ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳар «Ёшлар маркази» биносида «Ҳарбий хизматга тайёргарлик қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурорлик назоратини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ан-

жуманда ҳарбий бурчнинг ўтаётган ёшлар билан бирга ота-оналар ва кўплаб фуқароларнинг ҳам қатнашганлиги Ватан осойишталигини асраш бугун чинакам умумхалқ ишига айланган бораётганидан далолат беради.

Бундай тадбирларнинг давоми сифатида ҳарбий прокуратура жамоаси ҳам ўқув юртлари, ҳарбий қисм, қорхона ва муассасалар ходимлари, фуқаролар ўртасида ҳарбий исплоҳотларнинг бориши, конституция, янги қонун ва қарорларни шарҳлаш борасида иш олиб боришга интиляпти. Муайян режа



ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ МАКТАБИ

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Самарқанд ҳарбий лицейида бўлсангиз, ёшлиқдан она-юртга меҳру садоқатни дилга жо этиб сафда турган фидойи ворисларимизни кўриб, кўнглингиз тоғдай кўтарилади. Шахда ташланаётган одимлар, сафда жўр бўлиб қуйланаётган қўшқларда Темур авлодларига хос шахду шижоатнинг гувоҳи бўласиз.

Дарвоқе, яқиндагина билим даргоҳи ташкил этилганлигининг 20 йиллиги катта шодибна билан нишонланди.

Шу даргоҳда илк ҳарбий билимини олишган, айна пайтда мамлакат Қуроли кучлари ва мудофаа тизимининг масъул лавозимларида хизмат қилаётган ўнлаб меҳмонлар турли вилоятлардан байрамга етиб келишган.

Лицей ўқувчиларининг дзюдо, каратэ, таэквондо, қўл жанги, кураш сингари спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлари меҳмонлар дилига ифтихор хиссини олиб кирди.



— Ёшларимизнинг билим олишлари, ҳарбий техника сир-асрорларини мукаммал ўзлаштиришлари учун барча шароит яратиб берилган, — дейди биз билан суҳбатда лицей директори Донокул Суононов. — Фан кабинетлари кўргазмали қурооллар, компьютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Ҳабибулла Низомов, Абдуфаттоҳ Мелиев, Тошканбой Мустанов сингари ўнлаб мохир мураббийлар бор билим ва гайратини лаёқатли ватан ҳимоячилари тайёрлаш ишига бахшида этишмоқда.

Мансур АЛОВУДИНОВ,
«НУҚУ» муҳбири

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН «ПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

Мамлакатимиз фуқароларини
Янги йил ва Ватан ҳимоячилари
күни билан қутлайди.

Меҳр ва мурувват йилида
энг эзгу тилакларингиз
рўёбга чиқсин!



«БЕРУНИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон халқини янги 2004 йил ва
Ватан ҳимоячилари күни билан
самимий табриклайди!

Сизларга, яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ,
ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

Оилангизга тинчлик, саодат,
хотиржамлик ва фаровонлик ёр бўлсин.

Янги йил Сизларга қувонч,
омад олиб келсин!



«БЕРУНИЙ ЁҒГАР»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини янги -
2004 йил ва 14 январ Ватан
ҳимоячилари күни билан
самимий табриклайди.

Меҳр ва мурувват йили
қўт-барака, тўқсин-соғинлик йили
бўлиб қолишини, Ватанамиз
осмони тинч ва мусоффо
бўлишини тилайди



